

МАҲАЛЛАМ – УЙИМ, ТАРБИЯ МАСКАНИМ

Самин Рахимов

Чирчиқ давлат педагогика институти профессори

АННОТАЦИЯ

Маҳалла инсоннинг ҳаётида, турмуш тарзида, тақдирида, энг муҳими тарбиясида асосий роллардан бирини ўйновчи катта куч. Зеро, инсон ҳаётининг болалик ва ўсмирлик, шунингдек, кексалик йиллари айнан маҳаллада ўтади. Ушбу мақолада маҳалла тушунчаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари фалсафий таҳлил этилади.

Калит сўзлар: оила, маҳалла, оқсоқол, тарбия, билим, тафаккур, тизим.

Samin Rakhimov

Professor, Chirchik State Pedagogical Institute

ABSTRACT

Mahalla is a huge force that plays one of the key roles in a person's life, lifestyle, destiny and, most importantly, education. After all, the years of childhood and adolescence pass in the neighborhood, as well as the old age of human life. The article provides a philosophical analysis of the problem of makhalla. The article provides a philosophical analysis of the concept of "makhalla" and its specificity.

Keywords: family, mahalla, elder, education, knowledge, thinking, system.

КИРИШ

Янгиланаётган Ўзбекистонда яратилаётган имкониятлар туфайли мамлакатимизда халқчил бошқарув тизими маҳалла қайтада кашф этилди. Азалий маънавиятимиз ва миллий қадриятларимиз маскани бўлган маҳалла бугун кучли тарбия ўчоғи сифатида миллий истиқлол ғояси ва мафқураси билан бойиб, янгиланиб жамият тараққиётига тобора самарали, холисаона хизмат қилувчи ҳаёт дорилфунунига айланиб бормоқда. Зеро, маҳалла аҳли авваломбор ёшлар қалбини, онгини “Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга кириша олиш” орқали забт этишга, эзгу-амалларга, бунёдкорликка йўналтиришга астойдил бел боғланган.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг 2016 йил 30 декабрдаги “Республика Нуроний жамғармаси фаолиятини тубдан қайта қуриш чора тадбирлари

тўғрисида” ва 2017 йил 3 февралдаги “Маҳалла институти фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора тадбирлари тўғрисида”ги фармонларида маҳалла оқсоқоллари ва кекса фахрийлар олдига ёшлар тарбияси борасида ўта муҳим вазифалар қўйилди. Хусусан, муҳтарам юртбошимиз таъкидлаганларидек, маҳаллаларда “уюшган ёшлар қатлами билан ишлаш, уларнинг дарду-ташвишлари, муаммоларини эшитиш ва уларни ечишга амалий ёрдам бериш мустақил ҳаётга кираётган ёш йигит-қизлар, ёш оилаларни қўллаб-қуватлаш учун ҳаммамиз давлат, жамоат ташкилотлари биргаликда ҳали кўп иш қилишимиз керак”.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда давлат ва жамият бошқарувининг халқимизга хос тарихий анъанавий, шу билан бирга замонавий, янги, самрали, жаҳон андозалари даражасидаги миллий тизими шаклланди.

Биринчи Президентимиз Ислон Каримовнинг ташаббус ва таклифлари билан “кучли давлатдан кучли жамият сари” деган тамойилга асосланиб, ижтимоий-сиёсий ҳаракатларни ривожлантира бориб, демократик мезонларга асосланган адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидаги кенг қамровли вазифаларни бажаришда ўзини-ўзи бошқариш идораси - маҳалла асосий таянч қилиб олинди.

Маҳалла Ўзбекистон ҳудудида минг йиллар давомида инсонларнинг буюк даҳолари томонидан эътироф этилган, демократиянинг асосий тамойилларига ва жамоа фикрига асосланган, халқимизнинг анъанавий урф-одатларни, тарихий, миллий давлат бошқаруви, маданияти ва халқчил жамият тизимини шакллантиришга хизмат қладиган, юридик мақомга эга бўлган, ўзини-ўзи бошқаришни ташкил этишга асосланган бирламчи ҳудудий маскан-Ватан ичра ватан вазифасини ўтаб келмоқда.

Ҳа, маҳалла -Ўзбекистонга хос миллий демократик, тарихий, анъанавий, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш институтидир. Унинг демократик тузум сифатида асосий моҳияти аввало узлуксиз эканлигида, бу тузумда жамиятни бошқаришнинг демократлашиб боришида, кенг халқ оммасининг давлат ва жамиятни бошқаришда эркин, ихтиёрий иштрок этишидадир.

Маҳалла-аҳолини жипслаштириш ва сафарбар этиш, жамиятини тараққий эттириш, шунингдек, ўз ҳудудида поклик, тўғрилиқ, холислиқ, беғаразликни қарор топтуриш, жамиятнинг корупсияга қарши курашишни кучайтиришда ҳам оқил ва забардаст кучдир. Маҳалла миллий урф-одат ва анъаналар, ҳашар ва бошқа тадбирларни амалга ошириш воситаси ҳамдур. Шунингдек, маҳалла

одамлар бир-бирини иссиқ-совуғидан, ғам-ташвишидан хабар топиб турадиган энг табаррук маскан ҳамдур.

НАТИЖАЛАР

Маҳаллада истиқомат қилаётган аҳоли ихтиёрийлик асосида фуқороларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини шакиллантиради ва уларнинг раҳбар ходимларини сайлайди. Фуқороларнинг ўзини-ўзи бошқариш оргонлари фаолиятини ташкил қилиш масалалари, уларни давлат бошқаруви тизмидан ажратилганлиги, юридик шахс мақомига эга эканлиги, ўз ҳудудидаги масалалар бўйича мустақил, эркин қарорлар қабул қилиш ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларда қафолатланган. Шу боисдан ҳам маҳаллалар жойлардаги ўзини-ўзи бошқариш тизимининг таянчи сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда ва янги мазмун билан бойиб бормоқда. У жамиятимиз ҳаётининг энг самарали, айну пайтда миллий ва халқчил кўринишидир. Зеро, Президентимизнинг юқорида зикр этилган фармонларида инсон омилини кўтариш, эркинлиги ва аҳоли турмуш тарзини изга солиб туришда уларнинг кундалик муоммоларини ҳал этишда маҳаллалар фаолиятини кучайтириш, уларга ҳар томонлама ёрдам беришни пастдан юқоригача мувофиқлаштирувчи тизим сифатида шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилганлиги бежиз эмас.

Бугунди кунда маҳалла жойларда давлат сиёсатини кенг халқ оммасига етказувчи, фуқороларни истак ва манфаатларини кўзловчи, уларнинг сиёсий ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, аҳолини жамоат ишларига онгли ва фаол қатнашишини таъминловчи кучли жамоа сифатида шакилланмоқда. Шу мақсад йўлида маҳаллаларда халқ оммаси умумий салоҳиятини онгли равишда бирлаштириш орқали ўз ҳавфсизликларини таъминлайдилар, иқтисодий фаровонликка эришиш тадбирларини кўрадилар, ёшлар тарбиясига, оила, хотин-қизлар масаласига оид муаммоларни ҳал этадилар.

МУҲОКАМА

Маҳаллаларнинг кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишда, аҳоли қалби ва онгида миллий мустақиллик мафқурасини қарор топтиришда, маънавиятини юксалтиришда, айниқса ёшлар тарбиясидаги ўрни ва роли катта. Маҳалла аҳолини, айниқса ёшларни фозил, комил инсонлар қилиб тарбиялашга доир назарий ва амалий тадбирларни ўтказиш, уларнинг дунёвий ва диний билимларини чуқур эгаллашлари ва касб-ҳунар ўрганишлари учун янги

тизимларни ишлаб чиқиш, шу асосида махсус илмий-амалий дастурлар тузишда қатнашиш ва уларни бажарилишига эришиш, маҳаллада ўқимайдиган, ишламайдиган ёшлар билан алоҳида шуғулланишда нурунийлар ва кекса фахрийларимиз ёрдамида **“фарзандларимиз тарбияси, маънавий-маърифий соҳадаги ишларимизни бир зум ҳам сусайтирмасдан... янги босқичга кўтаришимиз керак”**.

XXI асрда бу борадаги ишларни такомиллаштириш, давр ва тузум талабларидан келиб чиқиб янги меъёрий ҳужжатлар қабул қилиш, илмий-тадқиқотлар асосида услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш дарсликлар яратиш, маҳалланинг нуфузини кўтариш зарур масалалардан эканлигига эътибор қаратилди. Зотан XXI аср ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тизимлари ҳамда жамоат ташкилотлари қаторида, хусусан фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, маҳалла фуқаролар егинлари кенг миқёсли фаолиятини янада такомиллаштириш, кучайтириш, самарадорлик ва таъсирчанлигини ошириш, иш сифатини яхшилашда янгича ёндашув асри бўлди. Ўз умумий манфатларимизни халқаро рақобатчиликда ҳамда хавфсизлик масалаларида ҳимоя қилиш учун, албатта кучли давлат ёки катта-катта иттифоқларга муҳтожлик бўлади. Лекин, айтилган пайтда ижтимоий, иқтисодий сиёсий тараққиётдаги шахсий ёки фуқаролик иштирокига ва уларни бу жараёнларга жалб этилишини кафолатловчи кучли маҳаллий ва ҳудудий ўзини-ўзи бошқариш даражасига эга бўлган давлатлар марказлашган давлатларга қараганда тезроқ ва яхшироқ ривожланадилар.

Аниқроқ қилиб айтсак, биз барпо этаётган демократик, адолатли кучли фуқаролик жамиятининг устувор асосларидан бири бўлган ушбу жамоат ташкилотлари, хусусан маҳаллалар фаолиятини инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг бутун бир тизимини яратишга, бу борада бугунги ва узоқ муддатли пировард мақсадларни инобатга олган стратегик концепсия ва дастурларни изчиллик ва собитқадамлик билан ҳаётга жорий этишга, шу йўл билан одамлар тафаккурида ўзгариш ясаб, фуқаролик жамияти асосларини, маънавий қиёфасини шакллантиришга сафарбар этиш замон талаби бўлиб қолди.

Бинобарин, ана шундай давлат ва жамиятни қуриш, уни амалга оширишни таъминлаш, ушбу масалани давлат буюртмаси даражасига кўтариш ҳақиқий демократик кадриятларни вужудга келтиришда маҳаллаларда олиб борилаётган маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларнинг савиясини янада кўтариш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада Ўзбекистон халқининг туб

манфаатлари, асрий орзу-умидлари, эзгу-ниятлари, буюк мақсадларини ифода этувчи миллий истиқлол ғояси халқимизнинг ўз мақсад-муддаоларига эришиш учун маънавий-руҳий куч-қувват бўладиган пойдевордир.

Келинг! Шу ерда маҳалла сўзига ҳам аниқлик киритиб олайлик. Хўш маҳалла ўзи нима? “Маҳалла” арабча сўз бўлиб - жой, ўрин, макон маъноларини англатади. Маҳалла ўзбек халқининг кундалик ижтимоий ҳаётини ва турмушини ташкил қилишда шакиллантирган ва асрлар давомида такомиллаштириб келган ҳаётий аъмолдир.

Ўзини ўзи бошқаришнинг миллий модели бўлган маҳалла халқимизнинг азалий удумлари, урф-одатлари ва анъаналарига таянган ҳолда улкан тарбиявий вазифани бажаради. Зотан, маҳаллаларда кексаларнинг панд-насихатлари, катталарнинг шахсий ибрати, жамоанинг ҳамжихатлиги мисолида одамлар онгига эзгулик ғоялари сингдириб борилади.

Маҳалла, аввало, соғлом ижтимоий муҳитдир. Бу ерда кучли таъсирга эга бўлган жамоатчилик фикри маҳалла аҳлининг хулқ-атвори, ўзаро муносабатларини адолат ва маънавий мезонлар асосида тартибга солиб туради. Шу маънода маҳалла Биринчи Президент Ислам Каримов таъкидлаганларидек, ҳақиқий демократия дарсхонасидир.

Маҳалла кенг жамоатчилик ўртасида мафкуравий ишларни самарали йўлга қўйиш учун ҳамма имкониятларга эга. Айниқса, миллий қадриятлар, меҳр-оқибат, эл-юрт шаъни учун кураш каби фазилатлар камол топишида маҳалланинг ўрни беқиёс. Масалан, агар бирор маҳаллада ўсган қиз ҳақида бошқа бир одам ноўринроқ гап айтганини ўша қизнинг маҳалладоши эшитиб қолса, шу қизнинг шаъни учун курашади, уни оқлашга, бегона одамни эса тартибга чақириб қўйишга ҳаракат қилади.

Шу маънода маҳалла ҳамжихатлик, ор-номус, биродарлик каби фазилатлар тарбиясига ижобий таъсир кўрсатади. Маҳалла доирасидаги амалга ошириладиган мафкуравий тарғибот ишлари анъанавий байрам ва тадбирлар, айниқса, муҳтож оилаларга ёрдам кўрсатиш, иқтидорли ёшларни рағбатлантириш, аёллар нуфузини ошириш, ҳар хил адолатсизликнинг олдини олиш, оммавий ахборот воситалари имкониятларидан фойдаланиш, диний муассасалар, мачитлар билан ўзаро алоқани яхшилаш, ҳамкорликда тадбирлар уюштириш, “оила дорилфунунлари”да ота-оналар саводхонлиги ва турли авлод вакиллари ўртасидаги муносабатларни такомиллаштириш орқали ўзига хос тарзда амалга оширилади.

Маҳаллада таъсир воситалари сифатида тарбиявий, маънавий, мафкуравий кўргазмалар, турли ижтимоий курслар ташкил этиш, оилаларда психологик хизматни йўлга қўйиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, оталар чойхонасидан ёшларни тарбиялаш ишида кенг фойдаланиш, матбуот орқали берилаётган маълумотларнинг психоллингвистик таҳлилини амалга ошириш, ижтимоий фикрнинг маҳаллалар бўйича мониторингини олиб боришга аҳамият бериш лозим. Шунда маҳалла, **биринчи навбатда**, фуқароларни миллий истиқлол мафкураси руҳида тарбиялашнинг ҳақиқий таъсирчан ўчоғига айланади. **Иккинчидан**, оилага психологик ёрдам кўрсатиш шаҳобчаларининг ташкил этилиши ҳам ижтимоий услублар воситасида оилаларда рўй берадиган турли муаммоларнинг ечимини топиш имконини беради. Уларнинг асосий вазифаларидан бири ота-оналар ва фарзандлар учун миллий мафкура руҳидаги тадбирлар ва маслаҳатлар мажмуини ишлаб чиқишдан иборатдир.

Мафкуравий тарбиянинг энг таъсирчан воситаларидан бири мулоқот ҳисобланади. Чунки, инсон қалбида ва онгида шаклланадиган дунёқараш, эътиқод, иймон, виждон, масъулият каби фазилатлар тарбиясида радио-телевидение, газета-журналлар, бадиий ҳамда илмий адабиётнинг ўрнини эътироф этган ҳолда, шуни айтиш мумкинки, юзма-юз келадиган фикр алмашув, инсоннинг юзи ва кўзига қараб туриб айтиладиган бамаъни сўз ва ҳиссиётларнинг ўрни беқиёс.

Шунинг учун ҳам ота-она боласининг юзини ўзига қаратиб олиб, зарур юз қиёфаси ва кўзидаги самимият билан айтиши лозим бўлган фикрни уқтириши, энг ибратли оила ота-онаси, олимлар, атоқли кишилар билан учрашувлар, савол-жавоб кечаларини ўтказиш ҳам лозим. Албатта, бундай мулоқотлар самарали бўлади. Шу боис уч авлод вакиллари ўртасидаги мулоқот таълим-тарбия жараёнида катта аҳамиятга эгадир.

Маърифий ахборот ёзма ёки оғзаки тарзда етказилиши мумкин. Агар **биринчидан**, газета-журналлар, китоб ва дарсликлар ёзма манбаларда мужассамлаштирилган маълумотлар сифатида маҳалла аҳли онгига кирса, иккинчисига маъруза эшитиш, баён этиш мунозараси ва суҳбатлар ўтказиш киради. Бундан ташқари, мафкуравий ғояларни турли бадиий ва ҳужжатли фильмлар, болалар ёки катталар учун мултфильмлар орқали ҳам етказиш мумкин. Муҳими, улар халқ маънавияти, ўлмас меросимиз, келажакка ишонч уйғотувчи маъно-мазмун билан йўғрилган бўлиши керак.

Маълумотларнинг мазмундорлиги ва таъсирчанлиги, уларнинг оммабоплиги, билдирилган ёки ифода этилган ғояларнинг содда, ихчам ва раво баён қилинишига кўп нарса боғлиқ. Тингловчи ҳар бир сўзни тушунсагина, унда воқеликка теран муносабат шаклланади. Масалан, маҳалладаги “Саранжом-сарихта уй дарсхонаси” - бу асосан уй бекалари, қариялар, маълум сабаблар билан ногирон бўлиб, асосий вақтини уйда ўтказадиганлар билан ўтказиладиган машғулотларни кўзда тутди. Уларни ҳаётини видеофильмлар, қизиқарли кўрсатув ва лавҳалар ўзига жалб қилади. Шундан келиб чиқиб, бундай инсонлар учун мафкуравий ахборот тайёрланганда, уларнинг соддалиги, самимиятга ўчилиги ва инсоний эътиборга муҳтожлигини инобатга олиб иш кўрилса, таъсирли бўлади.

Кундалик ҳаётимизда, айниқса, Ўзбекистон шароитида ижтимоий фикрнинг асосий барометри, ўлчови - бу маҳаллалар. Маҳалла аҳли ҳар бир оилада рўй бераётган ҳодисаларни билади, инсонлар тақдирига бефарқ бўла олмайди, фаоллар орқали ижтимоий ҳаётдаги ҳар бир ўзгариш, одамлар онги ва қалбидаги ҳис-туйғулар ўрганилади. Шу маънода, Ўзбекистон шароитида маҳалланинг ҳақиқий демократия дарсхонаси эканлиги унинг ижтимоий фикрни бошқариш имкониятларида ҳам ўз тасдиғини топади.

Ҳар бир инсонни ҳаётга келтирувчи, унинг кўнглини мунавав этувчи, фақатгина оилада эмас, балки бутун жамиятга ҳам аҳиллик, тотувлик, меҳр-оқибат бағишловчи ҳам - бу аёл зотидир. Миллий истиқлол ғоясининг амал қилиш тамойиллари шахс ва оила билан узвий боғлиқдир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ҳаётида “шахс-оила-мактаб-маҳалла” тўртлиги катта аҳамият касб этади. Чунки, шахс маънавияти, унинг дунёқараши, инсоннинг тасаввур ва эътиқодига алоқадор кўникмалар мажмуи асосан оилада шаклланади. Шу маънода оила - ҳақиқий маънавият ўчоғи, мафкуравий-тарбиявий ишлар омили ва муҳитидир. Бинобарин, миллий мафкурамизга хос тушунчалар инсон қалби ва онгига, аввало, оила муҳитида сингади.

Бу жараён боболар ўғити, оила ибрати, она меҳри орқали амалга оширилади. Оила, унинг асрлар мобайнида сақланиб келаётган муқаддас анъаналари орқали ёшларда Ватанга муҳаббат, иймон, эътиқод, масъулият, ватанпарварлик, инсонпарварлик, ишга иштиёқ ва маданият кўникмалари шаклланади. Зеро, ҳар бир фуқаро оиланинг жамиятдаги ўрни ва вазифасини, Ватанининг остонадан бошланишни тушунмасдан туриб, ўзини мукамал инсон деб ҳис қила олмайди. Ота-онани кадрлаш, уларнинг беминнат хизматида бир умр содиқ бўлиш, дуоларини олиш болаларнинг фарзандлик

бурчидир. Бу миллий кадрятларимизнинг энг муҳим талабларидан биридир. Буюк бобомиз ҳазрати Алишер Навоий айтганларидек, ота-онани ҳурмат қилиш фарзандлар учун мажбуриятдир. “Бу иккисига хизматингни бирдек қил, хизматинг қанча ортиқ бўлса ҳам кам деб бил. Отанг олдида бошингни фидо қилиб, онанг боши учун бутун жисмингни садақа қилсанг арзийди! Икки дунёинг обод бўлишини истасанг, шу икки одам розилигини ол! Туну кунингга нур бериб турган бирини Ой деб бил, иккинчисини Қуёш, уларнинг сўзларидан ташқари бир нарса ёзма, улар чизган чизиғидан ташқарига бир қадам ҳам босма. Ҳамма хизматини сен одоб билан бажар”. Бу ерда кучли таъсирга эга бўлган жамоатчилик фикри маҳалла аҳлининг хулқ-атвори, ўзаро муносабатлари адолат ва маънавий мезонлар асосида тартибга солиб турилади. Демак, инсоннинг оилада шаклланган иймон-эътиқоди, одоб-орияти ва виждони, ғурур-ифтихори, ақл-заковати, тафаккури маҳалла муҳитида янада кучаяди, халқ иродаси, ўзаро тотувлик ва ҳамкорлик ришталари билан уйғунлашиб, жамиятда соғлом мулоқотларнинг шаклланишига олиб келади.

ХУЛОСА

Мазкур мақолада эзгу мақсад йўлида фидокорлик кўрсатаёткан илғор дунёқараш ва тафаккур соҳиби бўлишга интиланган маҳалла фаоллари, кенг жамоатчилик ҳозирги ҳаётининг мураккаб муоммоларини ҳал қилишда асқотадига муҳим фикр, йўл-йўриқларни топади, оддий инсон ва унинг манфаатларини ифода этиш, халқимизнинг беҳатар тинч-омон, фаровон, бадавлат турмушга эришиши учун куч-ғайрат манбаига эга бўлади деб умид қиламиз. Шунингдек, оқсоқоллар ўзлари бошчилик қилаётган маҳалла аҳлининг бирлашиб буюк мақсадлар йўлида ҳамжиҳат бўлиб муваффақиятларга эришишга қодир кучга айланадилар, миллат, халқ тараққиётига муносиб ҳисса қўшадилар. Бинобарин, онгни, таффақурини ўзгартирмасдан туриб, кўзланган олий мақсад - озод ва обод жамиятни, фаровон ҳаётни ва миллий тикланишдан миллий юксалиш сари бўлган ҳаётни барпо этиб бўлмайди. Қисқа қилиб айтганда, тарбияда маҳалланинг ўрни беқиёс. Зеро, ёшлар учун ҳаёт сабоқлари айна шу маҳалладан бошланади. Бунда нафақат ота-она балки маҳалла оқсоқоллари кекса кўпни кўрган нурунийлар, маҳнат фахрийлари ўзларининг юриш-туриши, одамлар билан муомиласи, қолаверса обрў-эътибори, панд-насихатлари билан намуна бўлиш мумкин ва ўзбек маҳалласида амалда ҳам шундай бўлиб келган.

REFERENCES

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. –Б.17-18.
2. Raximov S., Hayitov I., Abdullayev G. (2018). Saboq mahalladan boshlanadi. – Toshkent, - 102 b.
3. Raximov S. (2018). Oila, mahalla va komil inson. Demokratik islohotlarni chuqurlashtirish jarayonida yoshlarning ijtimoiy faolligini oshirishning ustuvor yoʻnalishlari mavzusida vazirlik miqyosidagi ilmiy-amaliy anjuman. – Toshkent, B.140-142.
4. Raximov S., Ziyayev F. (2018). Tarbiyada keksalarning oʻrni. – Toshkent: Gʻafur Gʻulom nomidagi nashriyot-matbaa kijdodiy oʻyin, - 79 b.
5. Raximov S., Hayitov I., Umarov S. (2019). Yoshlarda maʼnaviy axloqiy tarbiyani shakllantirishda mahallaning oʻrni. Harakatlar strategiyasini amalga oshirish jarayonida maʼnaviy-maʼrifiy ishlarning oʻrni mavzusida respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari. –Toshkent, -B.123-124.
6. Гаффарова Г. Таркибий ўзгаришларнинг бифуркацион асоси // Academic Research in Educational Sciences, 2021. 2(1) (январь), pp.244-250.
7. Гаффарова Г.Г., Абдуллаева М.Н. (2018). Фалсафада конструктивизм муаммоси. Имом Бухорий сабоқлари. №3, -Б.96-98.
8. Gaffarova, G.G. (2019), Problems self-organization: philosophical analysis // Scientific Bulletin of Namangan State University. -Т.1. -№5, - С. 185-190.
9. Gaffarova G.G., Abdullayeva M.N. (2020). Tasavvufning kognitiv tizimi zamonaviy falsafa prizmasida. Academic research in educational sciences. №3. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n7tasavvufning-kognitiv-tizimi-zamonaviy-falsafa-prizmasida> (дата обращения: 15.01.2021).
10. Gaffarova, G.G. (2019). Structural transformations as a faktor new development opportunities. Scientific Bulletin of Namangan State University, Т.1, №10, pp.261-267.
14. Г. Гаффарова, А. Абдуллаев, АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТДА МАЪНАВИЙ ҲАЁТНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ // Academic research in educational sciences. 2021. №Special Issue 2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/ahborotlashgan-zhamiyatda-manaviy-ayotning-ziga-hos-hususiylari> (дата обращения: 10.04.2021).